Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил 27 июнь ШАНБА № 51 (12791)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан мамнунман.

Барчамизга яхши маълум, бугунги ҳаётимизни сизларнинг мураккаб ва масъулиятли фаолиятингиздан, оммавий ахборот воситаларидан айри ҳолда асло тасаввур этиб бўлмайди.

Сизларнинг машаққатли меҳнат маҳсулингизни миллионлаб одамлар қаерда бўлмасин, доимо катта қизиқиш ва эътибор билан кутади. Дунёда кечаётган турли-туман воқеа ва жараёнлар ҳақида сизлар етказадиган тезкор ва холис ахборотнинг, ҳаётий муаммолар, кундалик ташвишлар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист аҳли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти ва салмоғи ҳозирги замонда тобора ортиб бормоқда.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг **"Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил"** деган ҳикматли сўзлари аввало сизлар каби заҳматкаш ва фидойи инсонлар шаънига айтилган, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, сизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш йўлида қилаётган эзгу хизматларингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечими ўта оғир ва мураккаб бўлган турли-турли муаммоларни туғдираётган XXI асрда яшаётганимизни ҳеч эсимиздан чиқармаслигимизни истардим.

Шулар қаторида, авваламбор, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четида зудлик билан акс-садо бераётган бир пайтда, бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият, ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни мукаммал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, профессионал малакамизни ошириш учун ўз устимизда мунтазам ишлашни талаб қилаётганини ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарур – ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай кўпқиррали шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкинлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз аҳолисини, замондошларимизнинг ҳаёти ва дунёқарашини кечаги – 90-йиллардаги одамларнинг ҳаёти ва дунёқараши билан солиштирадиган бўлсак, ўртада ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, бугун биз яшаётган янги давр, янгича ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдига тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимизнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида амалга оширган ишларимиз ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Мен бу борада фақатгина баъзи бир мисолларга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан.

Сўнгги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охирги 7 йилда соҳа ривожи учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқни ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшилангани бизнинг бу борада қандай катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзида веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузатгич мосламалари ўрнатилади ва шу тариқа барча ҳудудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айни пайтда миллий теледастурларимиз сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги сермазмун ҳаёти билан таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани бунинг амалий тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!

Бугунги хурсандчилик кунда матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олдимизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажак истиқболлари хусусида фикр юритишимиз албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган даъват авваламбор ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунасиз.

Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдек улкан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томонлама қодир бўлишини бундай юксак маррага эришишнинг асосий шарти ва гарови сифатида кўрамиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз халқаро медиа маконида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Шу борада кейинги пайтда бир қатор ривожланган давлатлар, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялардан малакали мутахассис ва журналистлар юртимизга таклиф қилиниб, улар иштирокида матбуот ходимлари учун ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Бу тажрибанинг кенг қўлланиши туфайли ўтган йилнинг ўзида 650 дан ортиқ матбуот ходимларимиз ўз малакаси ва маҳоратини оширишга эришганини, шу билан бирга, кўплаб ўзбек журналистлари ҳам хорижий давлатларга бориб, тажриба алмашиб келганини қайд этиш лозим. Келгусида ҳам бундай самарали ижодий алоқаларни давом эттириш оммавий ахборот воситаларимиз ривожига янги туртки бериши шубҳасиз.

Журналист кадрларнинг янги авлодини, ўз касбининг устаси бўлган етук таҳлилчи ва шарҳловчиларни тайёрлаш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг замонавий янги биноси қуриб фойдаланишга топширилганини таъкидлаш керак. Ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини, ижодий маҳорат сирларини пухта эгаллаш учун барча зарур моддий-техник база ва инфратузилма тармоқларига эга бўлган ушбу олий ўқув маскани мамлакатимиз журналистларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши билан айниқса аҳамиятлидир.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳаммамизга аёнки, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга келади. Лекин бахт дегани фақат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзуларга берилиб яшашни англатмайди. Бахт – бу, менинг назаримда, аввало тинч-осойишта ҳаёт, оила, эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршисида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз асрлар давомида одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби эзгу фазилатларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, неча-неча авлодларга безавол етказиб келаётгани тарихимиздан яхши маълум.

Эл-юртимизни минг йиллар оша турли тўфон ва бўронлардан омон сақлаб, барчамизга куч-қудрат бағишлаб келаётган, ҳаётимизни ҳар томонлама юксалтирадиган бундай олижаноб қадриятлар, ўйлайманки, оммавий ахборот воситаларимиз учун ҳеч қачон аҳамиятини, қадрини йўқотмайдиган бош мавзулар бўлиб қолади. **Чунки, маънавиятни асраш – аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир.** Маънавий дунёмизга қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда бу ўткир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча бироз орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганмиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Бугунги кунда бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказсак, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсак, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласак, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажак бизникидир.**

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этишда жамиятимиз, барчамиз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адолат ва эзгулик йўлида ҳамиша ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги қутлуғ айёмда сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

Бугун – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



## ИҚТИДОРЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбек миллий академик драма театрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари,ноширлар, матбаачилар, фахрий журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари қатнашдилар.**

**Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.**

*(Давоми 2-бетда).*

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Муштарий эътирофи

## ШАНБАНИНГ КУТИЛГАН МЕҲМОНИ

**Бир пайтлар катта газеталаримиздан бирида "Газетасиз яшаш мумкинми?" сарлавҳали мақола чиққанди. Асосан обуна билан боғлиқ масалалар кўтарилган мақола тафсилотларига берилмай, сарлавҳадаги саволнинг ўзига эътибор берадиган бўлсак, одам ўйланиб қолади...**



Масалан, кундалик фаолиятим мисолида юқоридаги саволга "асло йўқ!" деб жавоб беришим ва бунга бир қатор мисоллар келтиришим ҳам мумкин. Жумладан, бир неча йилдирки, бизнинг Ўрта Чирчиқ туманимиз газетаси – "Машъал"ни ҳафта давомида вақти-вақти билан варақлаб турмасам, кўнглим жойига тушмайди. Бинобарин, ҳаётга энг яқин, мавзулар аниқ, лўнда ва холис ёритиладиган нашр бу, энг аввало, туман газеталари бўлса ажабмас...

"Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига" деган гап бор. Мулоҳазаларимни худди шу иборага йўймасангиз, газетамиз ҳақида бир-икки оғиз гапим бор. Авваламбор, "Машъал"ни шунчаки туман газетаси сифатида қўлга олмайман. Негаки, ундаги мавзулар қамрови ниҳоятда кенг, саҳифалар ранг-баранг, ҳар бир жумла ижодкорлар маҳоратидан дарак бериб туради. Яна қаламга олинадиган мавзуни тадқиқ этишга яхлит ёндошув, долзарблик, ҳозиржавоблик яққол сезилади. Бу билишимча, газетада узоқ йиллар тажрибали, салоҳиятли ижодкорлар ишлагани, ўзидан маҳорат мактаби қолдирганидан далолат бўлса керак. Газетага кўп йиллар таниқли публицист Ҳамид Норқул етакчилик қилди.

*(Давоми 2-бетда).*

Танлов

**"Қиз меҳрибон бўлади", "Қизи бор уйнинг файзи бўлак" каби таърифлар замирида энг нозик, энг нафис туйғулар, гўзал хулқ-одоб, юксак дид-фаросат, меҳр-муҳаббат эгаларига эҳтиром ва эъзоз мужассам. Бундай фазилатлар эса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уни тарбиялаш учун мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек соғлом маънавий муҳит зарур. Бу муҳитни яратувчилар – оила, маҳалла, мактаб ва бошқа жамоат ташкилотларидир. Уларнинг ҳамкорлиги, биргаликда ҳаракат қилиши, эртанги кун, порлоқ истиқбол, ёрқин келажак учун қўйиладиган мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши аниқ.**

## МАҲАЛЛА МАЛИКАСИ

Республика Вазирлар Маҳкамаси, Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирлардан бири "Маҳалламиз маликаси" танловининг вилоят босқичи Чирчиқдаги "Кимёгарлар" маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Унда танловнинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган Чирчиқ шаҳри, Оққўрғон ва Қибрай туманларининг "Ораста қизлар"и ўзаро баҳслашдилар. Улар ўз маҳаллалари тарихи, бугунги куни ҳақидаги билими, адабиёт, санъат борасидаги иқтидорлари, пазандалик маҳорати, ижтимоий-сиёсий савияси, ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларини намойиш этишди.

*(Давоми 2-бетда).*

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ УЙ

**Аслида сарлавҳани "Мустаҳкам оила сири", деб номласак ҳам бўларди. Лекин... Тошкент вилоятининг Қибрай туманида мўъжазгина шаҳарча бор. Гарчи унинг номи Салар бўлса-да, кўпчилик у ерни "Ташгрэс", дейди. Бунинг сабаби, Тошкент иссиқлик электр станцияси давлат унитар корхонаси шу ҳудудда жойлашган. Шаҳарчада 29 минг 800 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ўзининг шахсий бизнесига эга тадбиркорлар, масъул лавозимларда ишлаётган хизматчилар, зиёлилар ҳамда спорт ва бошқа соҳалар намояндаларидир. Улар орасида "Фаровон" маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳалимовлар оиласи ҳам бор.**

Саларликлар бу оилани намунали, мустаҳкам, аҳил-иноқ, деса, хонадон боши Жўра отани сира уйда ўтирмайди, кўк чой роҳатини қилмайди, улар учун на қиш бор, на ёз, доим элга аралашиб юради, дейди.

Бу бежиз эмас. Жўра ота турмуш ўртоғи Васила она билан оиласи мустаҳкам, рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлиши, фарзандларининг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши учун астойдил меҳнат қилган.

Келинг, дастлаб Жўра отанинг таржимаи ҳолига бир назар солайлик.

"...Жўра Ҳалимов 1932 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Меҳнат дафтарчаси қишлоқ хўжалиги техникумини битиргач, яъни 1953 йилда очилган. Икки йил граммпластинка заводида ишлаган. Узоқ йиллар Самарқанддаги машина трактор станцияси, Тошкент кабель заводи ва 8-автопаркда ҳайдовчилик қилган. Ҳозирги Тошкент иссиқлик электр станциясидан пенсияга чиққан..."

Чинакам меҳнаткаш инсон билан гурунглашиш ғоят завқли. Унинг кўнгилга тегмайдиган самимий ҳикоялари фикр кўзгусини биллурдай жилолайди, қалбга нақш боғлайди. Жўра отанинг хонадонида бўлиб, у киши билан дилдан суҳбатлашгач, шундай тўхтамга келдик.

Гап айланиб, отанинг болалик йилларига бориб тақалди. Ўтмиш хотиралари

*(Давоми 2-бетда).*

Бугун – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

# ИЖОДКОРЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан фаол ва фахрий журналистларни касб байрами билан табриклашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**



Мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб ўтказилаётган ислоҳотлар, улкан янгиланиш ва бунёдкорликни кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга етказишга муносиб ҳисса қўшаётган соҳа вакилларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, шунингдек, журналистикага оид бой тажрибани ўртоқлашиш мақсадида ташкил этилган тадбирда Федерация вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, фахрий журналистлар ҳамда шу соҳа бўйича таҳсил олаётган талаба-ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини юксалтириш орқали матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлиги оширилди.

Уч авлод вакиллари – соҳада узоқ йиллар меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган фахрий журналистлар, соҳанинг бугунги фаол вакиллари ҳамда талабалар иштирокидаги тадбир айниқса, ёш ижодкорлар учун фикр алмашиш, фахрий устозларнинг бой тажрибасини ўрганиш имконини яратгани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Тадбир сўнгида фахрий журналистлар, жумладан, "Тошкент ҳақиқати" таҳририятида узоқ йиллар самарали фаолият юритган Фарида Усмонова ва Жўра Саъдуллаев ҳамда бир гуруҳ фаол журналистлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, газеталарда мунтазам мақолалар эълон қилиб бораётган 6 нафар фаол талабага махсус сертификат топширилди.

**Аваз ИСРОИЛОВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

# ЙИГИРМА УЧИНЧИ УЙ

билан боғлиқ ҳикояларини "Отамни урушга олиб кетишганида тўққиз ё ўн ёшда эдим", деб бошлади:

– Оилада уч фарзанд бўлганмиз. Икки ўғил, бир қиз. Ўша йиллари шундай ҳазин, рутубатли эдики, ҳозир ҳам эсласам, беихтиёр йиғлагим келади... Иккинчи жаҳон урушининг жабру ситамлари, ундан кейинги очлигу сарсонликлар кўпчиликнинг қаддини дол, қалбини вайрон қилган. Биласиз, олтмишинчи йиллар ўрталарида Тошкентда ер силкинди. Ўшанда Себзордаги амакимникида эдим. Бирдан зилзила бошланиб, пахса девор шарақлаб кетди. Даҳшатдан тарашадай қотиб қолдим. "Қассобга ёғ, эчкига жон қайғуси", деганларидек жон ҳолатда хонтахта устидаги зоғора нонга ёпишдим. Нон қаҳат эди-да! Кўпчилик бошпанасиз қолиб, қишгача чодир тагида кун кўрган. Бу билан ҳаммаси ниҳоясига етди, деб қаттиқ янглишганимизни "десантчилар зулми" номини олган саксонинчи йиллар зуғумини бошдан ўтказиб билдик. Даҳрийлик мафкурасининг тазйиқи остида яшадик... Бугун бу гаплар болалар учун эртакка ўхшайди. Боиси, биз кўрган кунларни улар кўрмаган, илоҳим, умуман кўрмасин!..

Ёмон кунлар бир кун яхши бўлади, дейишади. Рост гап. Йиллар ўтиб, халқимизнинг асрий орзуси ижобат бўлди – юртимиз мустақилликка эришди. Юртбошимизнинг оқил сиёсати боис элнинг қадди тикланди, қадри юксалди. Диёримиз озодлиги, халқимизнинг бахт-саодати учун омонсиз жангларда жон фидо этган юз минглаб юртдошларимиз қатори отамнинг ҳам номлари Мустақиллик майдонидаги муҳташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрланди... Баъзан маҳалла-кўйдан ортмай қолган пайтларимизда Васила аянгиз "Ёшингиз бир жойга бориб қолган бўлса, уйда ўтирсангиз бўлмайдими?!", деб хуноби ошади. Шунда "Билагимда куч, танамда қувватим бор. Уйда ўтириб нима қилдим. Одамларга аралашиб юрганим фойда!", дейман. Аслида, Юртбошимиз томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрликнинг кароматди бу!

Яна бир гап, қурилиш соҳасида ҳам кўп йиллар меҳнат қилганман. Юртимизда истиқлол йилларида бунёд бўлган ҳеч бир иморат йўққи, бориб кўрмаган бўлсам. Кўнгил ўрганган-да, ўртаниб қўймайди! Шу денг, яқинда чойхонадаги улфатларни мошинамга солиб, водийга саёҳат қилдик. Қурама тоғининг нақ кўксини ёриб, темир йўл ётқизилаётганига гувоҳ бўлдик. Кўнглим довон сатҳидан юз баробар кўтарилди. Азамат йигитларнинг меҳнатидан англадимки, темир йўл ҳам ҳадемай битади. Хизмат юзасидан кўп мамлакатларда бўлганман. Бу дунёда 83 йил яшаб, бугунгидай кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кўрмадим. Бу ишларга бош-қош бўлаётган Юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Инсонга тангри томонидан ато этилган умр моҳиятида чинакам бахт мужассамдир. Бордию, инсон муайян вақт давомида ўзини бахтли ҳис қилмаса, қандай яшаш кераклигини унутиб қўйган бўлади. Бахтли бўлишнинг ягона сири ҳалол ва покиза яшашда. Онам раҳматли шу гапни кўп айтардилар. Онамнинг ўгитларига амал қилиб, кам бўлмадим. Буларни фарзандларим Ғайрат, Ҳамидулла, Насиба ва Наргизага доимо эслатиб тураман...

Чиндан ҳам, йиллар давомида қилинган меҳнат самараси завқли, нони тотли бўлади. Бугун Ҳалимовлар оиласи эл эъзозида. Унинг боши Жўра ота фарзандларига қуёш бўлса, Васила она ой. Улар ўн уч невара, шунча эвара даврасида тинч ва осуда ҳаёт гаштини сурмоқда.

Дарвоқе, Жўра ота билан Васила онанинг турмуш қурганига шу йилнинг олтинчи июнь куни 55 йил бўлди.

Отадан мустаҳкам оила сири нимада эканини сўраганимизда "Ўзингиздан қолар гап йўқ. Буни ҳаёт дейдилар, бир кун ундоқ, бир кун бундоқ бўлади. Рости, Васила аянгиз билан аразлашиб қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Шундай дамларда томга чиқиб кетардим. Эллик йил томда яшадим!", деб гапни мутойибага буради.

– Бу ҳам бир ҳазил-да, болам, – деди ота боягидай ним табассум билан. – Бир гал шаҳарчамиз раиси Акмалжон билан кўришиб қолганимизда янги оила бузилиш арафасида эканини айтиб қолди. Биргалашиб ўша хонадонга бордик. Икки ёшни эшитиб, никоҳини бекор қилиши учун арзирли сабаб кўрмадик. Улар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб, зарур тавсиялар бердик. Ярашиб олишди. Яқинда ўша йигитни Абдурасул қассобнинг ошида кўрдим. Оғзи қулоғида. Ҳадемай ота бўлармиш. Бу янгиликни эшитиб, рости, мен ҳам қувониб кетдим. Фарзанд ота-онани бир-бирига боғлаб турувчи пўлат занжир-да! Камкўстсиз рўзғор бўлмайди. Шундай экан, икки ёш бир-бирини тушуниши, тўлдириб туриши, йўғини яшириб, борини ошириб кўрсатиши, сабр-қаноатли бўлиши керак. Шундагина оила мустаҳкам бўлади. Меҳр-оқибатли, аҳил-иноқ хонадоннинг иши юришаверади. Рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлади.

Жўра отанинг сўзларини бош ирғиб тасдиқлаб ўтирган Васила она чой узатган бўлиб, турмуш ўртоғининг кўзларига боқди. Уларнинг бу қарашида "суҳбатингларга қўшилсам майлими?" маъноси зоҳир эди. Жўра ота "майли" дегандай ишора қилди.

– Болам, жуда ҳақ гаплар айтилди. Айниқса, фарзанд ҳақидаги фикрлари моҳиятида катта маъно мужассам. Биласиз, бола тарбиясида отанинг ҳам, онанинг ҳам ўрни бўлак. Фарзандларимиз ёшлигида шўх бўлган. Оталаридан кўп танбеҳ эшитган. Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Тўнғичимиз Ғайратжон мактабда ўқиб юрган кезлари бир нож ўя иш қилиб қўйди. Улар бундан хабар топиб, болани койиётганларида, ўғлимиз тарафини олдим. Боланинг олдида индамадилар. Лекин ёлғиз қолганимизда "Бошқа ўртага тушманг! Бола тарбиясида кемтик бўлишининг сабаби унинг икки ёқлама бўлиб вояга етишида", дедилар. Бу менга бир умрлик сабоқ бўлди...

Жўра ота ва Васила она билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Келиш меҳмондан, кетиш мезбондан, дейишгани рост экан. Кетишга чоғланганимизда хонадон соҳиблари яна келишимиз шарти билан фотиҳага қўл очиб, оқ йўл тилашди.

...Бекатда фотомухбир Оқил Ғуломов билан тургандик, бир киши келиб, ҳол-аҳвол сўради. Келганимиз сабабини билгач:

– Ҳа-а-а, жуда дуоталаб, савоб қидириб юрадиган инсон у киши. Жўра акани ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Эъзозга лойиқ инсонда ўзлариям. Бугун нариги маҳаллада ҳашарга бошчилик қилаётганини кўрсак, эртага ўзларига ўхшаган оқсоқоллар билан "Matiz"ларида аллақаерга отланганини кўрамиз. Шу боис, уларни ҳеч ким 83 ёшда, демайди. Жўра ота ҳов анави иккинчи кўча, йигирма учинчи уйда туради.

– Топдик! Йигирма учинчи уй!

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ШАНБАНИНГ КУТИЛГАН МЕҲМОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳамид оға ўта нозиктаъб, сермаҳсул ижодкор, шу билан бирга, ёш қаламкашларнинг ғамхўр устози эди. Яна моҳир ташкилотчи ҳам эдики, умрининг сўнгги лаҳзасигача таҳририят учун жон куйдириб ўтди. Бугун шу анъанани ижодий жамоада Жамбул Қурбонбеков, Маъмур Бозоралиев каби нафақат "Машъал"да, балки вилоят, республика матбуотида қалами чархланган истеъдодли журналистлар давом эттиришаяпти. Ўтган йиллар мобайнида Маъмуржон давлатимизнинг "Дўстлик" ордени билан тақдирланди, Жамбул ака эса "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиби бўлди. Шу билан бирга, газетанинг бугунгидек замонавий андозада, рангли шаклда, ҳавас қилгудек юқори ададда, саккиз саҳифада узлуксиз чоп этилиши ва хилма-хил мавзулар билан бойиб боришида ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига эга муҳаррир Толиб Ҳакимовнинг хизмати катта бўлаяпти.

Газетани газета қиладиган омиллар кўп. Шулардан бири – суратлардир. Нашрда чоп этилаётган суратларга нигоҳ ташларкансиз, биринчи галда уларда юксак профессионалликни пайқайсиз. "Машъал"нинг ҳар бир сони кун мавзуи ва руҳиятидан келиб чиққан ҳолда яхлит бир сурат билан очилади. Ички бетларда бериладиган ранг-баранг суратлар ҳам мавзуни теран ёритишга, бойитишга хизмат қилади. Таҳририят фотомухбири Равшан Мирзақулов ҳар бир кадр устида изланади, олаётган сурати газетада чоп этилгач, ўқувчига қандай эстетик завқ бериши мумкинлигини олдиндан чамалаб кўради.

Газетамизнинг биз, ўқувчиларга маъқул яна бир жиҳати, чет муаллифлар материаллари мунтазам бериб борилишидир. Муҳим воқеликлар, жамият ҳаётида юзага қалқиб чиқаётган масала ва саволларга турли соҳа вакиллари, мутахассислар, обрў-эътиборли замондошларимиз муносабатлари, фикр-мулоҳазалари эълон қилинади. Яна "Машъал"нинг "Инсон ва қонун", "Тадбиркорлар, сизлар учун", "Саломатлик" каби туркум саҳифалари ҳам борки, уларни бугун муштарийлар интиқлик билан кутишади. Шунингдек, газетада ёшлар сиёсати, кексалар ибрати, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари, маҳаллалар ҳаёти, бунёдкорлик ишлари кенг кўламларда, изчиллик билан ёритилаяпти. Танқидий, таҳлилий руҳдаги чиқишлар ҳам эътиборга молик.

Очиғи, кейинги йилларда "Машъал" роҳат қилиб ўқийдиган газетага айланди. Айниқса, дам олиш саҳифасида бериладиган ибратли ҳикоялар, ҳажвга, табассумга мойил чиқишларни оила даврасида мутолаа қиламиз, биридан сабоқ, биридан завқ оламиз.

... Яна бир шанба тонги отди. Демак, бугун ҳам "Машъал" туманимиздаги минглаб хонадонлар, корхона ва ташкилотлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига чинакам зиё бўлиб кириб боради.

**Жўра АҲМАДҚУЛОВ,**
**Ўрта Чирчиқ туманидаги Муқимий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати.**

# ИҚТИДОРЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини оширишга катта эътибор берилаётгани, ахборот ва сўз эркинлигини ислоҳ қилиш, шунингдек, соҳа ходимларининг фаолиятини замон талаблари даражада ташкил этиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлашди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1400 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Мустақилликдан аввал эса, улар 395 та бўлиб, аксарияти давлатга тегишли эди. Эндиликда ОАВнинг жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнига эга бўлиши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражасида фаолият олиб бориши учун кенг имкониятлар яратилди.

Соҳа ходимларини рағбатлантириш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш кўлами ҳам тобора кенгаймоқда. Жумладан, "Олтин қалам" миллий мукофоти, "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз", "Йилнинг энг фаол ёш журналисти", "Жамият ва мен" сингари танловлар, "Журналистлар баҳори", "Ижтимоий медиа маҳсулотлар миллий фестивали" каби тадбирлар ижод аҳлининг жамиятдаги фаоллигини ошириш, касб маҳоратини юксалтириш, иқтидор соҳибларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган байрам тантанасида Журналистлар ижодий уюшмаси ўтказиб келаётган анъанавий "Йилнинг энг фаол журналисти" республика танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Қувонарлиси шуки, "Йилнинг энг фаол журналисти" номинацияси бўйича совриндорлар сафида "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти ижодий ходими Сергей Мутин ҳам бор. Ҳамкасбимизни бутун жамоамиз номидан мукофот билан қутлаймиз, ижодига янада юқори парвозлар тилаймиз.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# МАҲАЛЛА МАЛИКАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танлов якунларига кўра, оққўрғонлик Намуна Маҳмудова "Энг пазанда", Ситора Бахтиёрова "Энг уддабурон", Ситора Самадова "Энг латофатли", чирчиқлик Роза Отабоева "Энг ширинсухан", Муштарий Ҳамиджонова эса "Энг фаол ижодкор қиз" дея эътироф этилди. Қибрайлик ораста қизлар ҳам бўш келишмади. Гулбаҳор Абдуғофуровани "Энг билимдон", Шаҳноза Абдуқаҳҳоровани "Энг зукко" қиз дея олқишладилар.



– "Маҳалламиз маликаси" деган эътирофга сазовор бўлган Чирчиқ шаҳар, "Ифтихор" маҳалласилик Севара Арслонова ғолибликни қўлга киритиб, ўз яқинлари, маҳалладошларининг ифтихорига айланди, – дейди тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Қизлар, ўз онаси, оиласи, маҳалласи, жамоасининг юзи ҳисобланади. Бу юзлар ҳамиша эзгулик нуридан чароғон бўлсин, ораста қизларимиз кўпаяверсин.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

# БУНЁДКОРЧИЛАР ҲАРАКАТДА

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги қурилиш ва ободончилик ишларида фаол иштирок этмоқдалар.**

Бўка туманидаги 14-умумтаълим мактабида ишлаётган "Қурилиш монтаж" фирмаси жамоаси сафига 40 нафар бунёдкор ёшлар қўшилиб, мавсумий иш билан таъминланишди. Улар мактабни реконструкция қилишда қурувчиларга ёрдам беришади. Ёшлар 3 маҳал овқат, ётоқхона, кийим-кечак ва ойлик маош билан таъминланди.

Бундан ташқари, "Бунёдкор" меҳнат ҳаракатининг 100 га яқин аъзолари тумандаги намунавий уй-жойлар қурилишида, болалар шифохонасини таъмирлашда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Тадбир

## ВИРТУАЛ ОЛАМДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

**Ёшларнинг руҳий-маънавий оламини зарарли унсурлардан ҳимоя қилиш тараққиёт пойдеворини мустаҳкамлайди. Маънавий баркамоллик эса жамият тараққиётининг муҳим омилидир. Шу мақсадга йўналтирилган "Хавфсиз интернет" лойиҳаси доирасидаги учрашувлардан бири Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Бекобод шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.**

Унда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, маънавият-тарғибот маркази, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши, ички ишлар бўлими ва шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари билан "Интернет хавфсизлиги ва интернет маданияти: муаммо ва ечимлар" мавзуида суҳбат ўтказилди. Сўзга чиққанлар ижтимоий тармоқлардан ёшларнинг нотўғри фойдаланишлари улар, хусусан, қизлар тарбиясига салбий таъсир этаётганини, бу эса ҳатто, оилаларнинг ажралиб кетишига сабаб бўлаётганини таъкидлашди.

Тадбирда, шунингдек, интернетда терроргчилик, экстремизм ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ҳамда тарбияга зид бошқа сайтларнинг кўпайгани, ғаразли сиёсий кучлар манфур мақсадлари йўлида улардан усталик билан фойдаланишга уринаётганлари ҳақида ҳам сўз борди.

Учрашув давомида ёшлар ташкилотчилар тайёрлаган аноним сўровномаларга жавоб беришди.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

Фармон ва ижро

# ТАДБИРКОРЛАР ҲИМОЯСИ КУЧАЙМОҚДА

**Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, эмин-эркин фаолият юритишлари учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш бўйича тизимли ва кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, республика Президентининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш масалалари билан бир қаторда тадбиркорлар фаолиятига аралашувларни янада чеклашга қаратилган меъёрлар қабул қилинди. Жумладан, Фармонга мувофиқ, 2015 йилнинг 1 июлидан субъектларда режали текширишлар даврийлиги ва муддатлари, қўзғатилган жиноий ишлар бўйича текширишлар ўтказиш тартибига ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, Фармоннинг 2-бандида барча назорат органлари учун режали текширишлар даврийлиги бирхиллаштирилиб, 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятидаги барча режали текширишлар кўпи билан 4 йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларида эса кўпи билан 3 йилда бир марта Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарори асосида амалга оширилиши белгиланди.

Маълумки, режали текширишлар даврийлиги бўйича шундай тартиб фақат тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти бўйича ўтказиладиган текширишлар учун белгиланган эди.

Белгиланган янги меъёр тадбиркорлик субъектларини турли назорат органлари томонидан ҳар йили ёки икки йилда бир марта режали текшириш ўтказиш имконини чеклаб, тадбиркорлар текширишга ортиқча вақт сарфлашининг олдини олишга, тадбиркорлар асосий фаолиятлари билан шуғулланишига кўпроқ имконият яратилишига олиб келади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, яъни бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни ўрганишни талаб этмайдиган режали текширишлар муддати 10 календарь кунидан ошмаслиги белгиланди.

Мазкур меъёр ҳам режали текширишлар ўтказиш даврида тадбиркорлик субъектлари ортиқча вақт йўқотишининг олдини олишга қаратилиб, эндиликда молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар муддати 3 баравар қисқартирилди.

Бундан ташқари, Фармонда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишларда фақатгина охирги текширувдан кейинги давр қамраб олиниши ҳам аниқ белгилаб қўйилди.

**Мухтор ҲАКИМОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани суди судьяси.**

# ГРАНТ ТАНЛОВЛАРДА ННТ ИШТИРОКИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Етакчи" ёшлар марказида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинаётган грант танловларида вилоят ННТларининг иштироки самарадорлигини ошириш" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Вилоятимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг грант танловлардаги самарали иштирокини таъминлаш юзасидан билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирда ЎзННТМА, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, грант танловлар ғолиблари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Мулоқот давомида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасига татбиқ қилиш, грант танловларда ННТлар иштироки самарасини оширишнинг асосий йўналишлари ҳамда ҳисоботларни тақдим этишда йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида очиқ баҳс-мунозара тарзида ўтган семинар сўнгида, ННТ вакиллари Жамоат фонди эълон қилаётган танловларда иштирок этиш талаблари, ғолиб топилган лойиҳалар ҳисоботларини тақдим этиш тартиби бўйича саволларига атрофлича жавоб олишди.

**Аваз БЕКОВ.**

# ЯНГИ «ISUZU» ЁРДАМГА КЕЛАДИ

**Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги тез тиббий ёрдам бўлимига энг сўнгги русумдаги "ISUZU" машинасини тантанали суратда топширди.**

– Оҳангарон тоғли туман бўлгани, серқатнов "Тошкент – Ўш" марказий автомагистраль йўли шу ҳудуддан ўтгани, шунингдек, Қамчиқ довонида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатлар тиббиёт ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди ва биздан ҳамиша ҳушёр туришни талаб қилади, – дейди бирлашма бош шифокори Инобат Эгамбердиева. – Янги "ISUZU" тез ёрдам машинасида фавқулодда ҳолатлардаги муолажа жараёнида зарур бўладиган барча асбоб-ускуна ва тиббий жиҳозлар мавжуд. Машинанинг ҳар қандай ҳолатда тез ва бир текисда ҳаракатлана олиши беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда қўл келади.

**Умида ИСАЕВА.**

Кўрик-танлов

## 60 БИЛИМДОН БЕЛЛАШУВИ

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бекобод шаҳар кенгаши "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши билан бирга маҳалла ёшлари ўртасида "Ёш сиёсий билимдонлар" кўрик-танловининг шаҳар босқичини ўтказди.**

"Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида" мавзуидаги танловда 60 йигит-қиз иштирок этди. Якуний босқичда "Тараққиёт" маҳалласи ёшлари сиёсий билимлари ва дунёқарашлари устунлигини намойиш этиб, ғалаба қозондилар.

Ғолиб ва фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирландилар.

**Карим МАВЛОНОВ.**

Сўраган эдингиз...

## ТАҚИҚЛИ УЙ СОТИЛМАЙДИ

***– Танишимнинг уйини сотиб олиш учун нотариал идорага бордик. Нотариус уйга тақиқ қўйилгани учун уни сотиб ололмаслигимизни айтди ва олди-сотди шартномасини расмийлаштирмади. Кўчмас мулкка тақиқ қўйиш тўғрисида тушунча берсангиз.***

Камола СОАТОВА, Олмалиқ шаҳри.

– Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, шунингдек, банклар ҳамда бошқа кредит ва тегишли ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга уй, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисми ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш ёки қайта таъмирлаш ва бошқа мақсадларда берилган қарзларнинг қайтарилишини таъминлаш учун кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаров шартномаларини тасдиқлаш вақтида мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги давлат нотариал идораси нотариуси кўчмас мулкка нисбатан тақиқ қўяди ва бу ҳақда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасига хабарнома юборади. Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга нотариус томонидан тақиқ қўйилгани ҳақида белги қўйилади. Демак, тақиқ қўйилган мол-мулкка нисбатан тақиқ бекор қилинмагунча олди-сотди шартномаси тузилмайди.

Мол-мулкка тақиқ қўйиш суд, тергов, прокуратура органлари, шунингдек, суд ижрочилари ва давлат нотариал идораси нотариуслари томонидан амалга оширилади.

## ОТАЛИК ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

***– Оталикни белгилаш тартиби қандай амалга оширилиши ҳақида маълумот берсангиз?***

Ғайрат АВАЗОВ, Бўка тумани.

– Оталикни белгилаш – ота-онанинг биргаликдаги аризасига, отанинг берган аризасига ёки суднинг оталикни белгилаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорига асосан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этган ФҲДЁ органи томонидан амалга оширилади. Оталикни белгилаш ариза берилган куни ота-онанинг иштирокида амалга оширилади. Ушбу жараёнда ота-оналардан бири иштирок этмаган тақдирда, унинг аризадаги имзоси қонун билан белгиланган тартибда тиббиёт муассасаси, ФҲДЁ органи, нотариус, ҳарбий қисм ёки жазони ўташ муассасаси раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим. Оталикни белгилаш боланинг қачон туғилганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

**Саволларга Зангиота тумани 9-сонли ДНИ нотариуси Улуғбек БЕКБОЕВ жавоб берди.**

Олов – тилсиз ёв

## МОДДИЙ ЗАРАР КЎРМАЙ ДЕСАНГИЗ...

**Жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини жамоатчиликка кенг кўламда тушунтириш ишлари изчил олиб борилаётганига қарамай, баъзи фуқароларнинг лоқайдлиги, бепарволиги оқибатида ёнғинларнинг асосий қисми ҳамон аҳоли туражойларида содир бўлаяпти. Оқибатда, улар мол-мулкларидан ажраб, катта моддий зарар кўрмоқдалар.**

Моддий-маданий бойликларни асраш, ёнғин офатидан ҳимоялаш нафақат соҳа ходимларининг, балки ташкилот, идора, меҳнат жамоаси, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиши керак. Шу боис фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини кенгроқ тушунтириш мақсадида корхона, таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда суҳбат ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш афзал, албатта. Энг асосийси, ҳар бир фуқаро яшаш ва иш жойида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса, офатнинг олди олинади.

**М. ОДИЛОВ,**
**Сергели ТИИБ ЁХБ бошлиғи.**

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР



# «ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

муносабати билан вилоятимизда меҳнат қилаётган журналистларни, барча ижод аҳлини самимий қутлаб, уларнинг оилаларига хотиржамлик, бахт-саодат, ишларига омад тилайди.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМПАНИЯЛАРИДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИГА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

**Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган "Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури (МТР) – Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини ошириш" лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун**

## АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Малака ошириш Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидаги корхоналарда амалга оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки Лойиҳа томонидан танланиши мумкин.

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг узоқ келажакдаги барқарор ривожланишини таъминлашга қодир малакали ва салоҳиятли тадбиркор ҳамда менежерларни кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадга эришиш учун Европа корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали лойиҳа уларни амалга оширади.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури лойиҳасининг мақсади Ўзбекистонлик менежерларнинг бошқарув кўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юритишнинг европача усулларига ўқитиш, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатишдан иборат. Барча номзодлар малака ошириш сафарида иштирок этишдан кўзланган мақсадни аниқ кўрсатиши ҳамда бу унинг ва корхонасининг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиши лозим.

Лойиҳа тренинг ва малака оширишларида иштирок этиш танланган иштирокчилар учун бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ барча харажатлар (авиачипта учун 400 евро миқдоридаги шахсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, суғурта лойиҳа маблағлари эвазига қопланади.

Барча талабларга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари /менежерлари/гина малака ошириш учун ариза топшириш ҳуқуқига эга.

Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари /менежерлари/ учун талаблар (ва керакли ҳужжатлар) ҳамда лойиҳа янгиликлари батафсил лойиҳанинг веб-саҳифасида www.mtpeu.uz ва Facebook саҳифасида https://www.facebook.com/mtpeu кўрсатилган.

Номзодларнинг аризалари 2015 йилнинг 22 июлига қадар қабул қилинади. Аризанинг онлайн шакли лойиҳанинг веб-саҳифасида жойлаштирилган.

Махсус изоҳ: Танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда камида 20 % аёл-номзодларни танлаб олишни кўзда тутади.

Қўшимча маълумотлар учун:
Жаноб Григориос Контзоглу, БКТД (МТР) лойиҳасининг бошлиғи
Манзил: Амир Темур кўчаси, 4,
Тошкент ш., 100047
Тел.: (99871) 2335901
Факс: (99871) 2336406
E-mail: mtp@.mtpeu.uz
Veb-sahifa: www.mtpeu.uz

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 19.06.2015 йилдаги № 30858/22-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 75 368 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Марказ-5, 65-уйда жойлашган, умумий майдони 81,0 кв.м.дан иборат бўлган 185-хонадондаги "Офис биноси"; 2) Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 9.06.2015 йилдаги № 31073/22-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 88 745 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 48,85 кв.м., 2 та яшаш хонадан иборат бўлган 43-хонадон "Турар жой"; Аукцион савдолари 2015 йилнинг 28 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, 1) Тошкент шаҳар хўжалик судининг 8.05.2014 йилдаги № 10-1108/18512-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 3 500 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А. Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, эгаллаб турган ер майдони 11140,0 кв.м., фойдали майдони 5712,0 кв.м.дан иборат бўлган "16 қаватли қурилиши тугалланмаган уй-жойнинг блок-Б қисмидаги 1-қаватидан 8-қаватигача бўлган уй-жойлар"; 2) Тошкент шаҳар хўжалик судининг 8.05.2014 йилдаги № 10-1108/18513-сонли ижро варақасига асосан, Бошланғич нархи - 3 500 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А. Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, эгаллаб турган ер майдони 11140,0 кв.м., фойдали майдони 4440,0 кв.м.дан иборат бўлган "16 қаватли қурилиши тугалланмаган уй-жойнинг блок-Б қисмидаги 9-қаватидан 16-қаватигача бўлган уй-жойлар" қўйилмоқда; Такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 14 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: №0039

"ORANGE PLUS" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 21.01.2015 йилда № 010515-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Чилонзор, Е-10-14 манзилида жойлашган "SHAN SHAN TEXTILE" (ИНН 303169554) МЧЖ тугатилади (таъсисчиларнинг 20.06.2015 йилдаги 1-сонли қарорига асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 359-07-20 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ООО "GAZ NEFT MAHSULOT", зарегистрированное Мирабадским районом г. Ташкента за реестр № 006054-03 от 19.10.2012 г., сообщает об увеличении уставного фонда с 603 100 000 сум до 1 453 100 000 сум (решения единоличного собственника № 26/06 от 26.06.2015 г.).

ООО "ONLINE AUTO SALIS" (ИНН 302402494), сообщает об уменьшении уставного фонда с 150 000 000 сум до 10 000 000 сум. Телефон: 748-77-00.

ООО "GOLD MEDAL TRADE" (ИНН 207213246), зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайского района г. Ташкента за реестр № 008087-11 от 05.09.2014 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. У. Носир-53, ликвидируется (решение общего собрания участников № 1 от 22.06.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "KEY TECHNOLOGY" сообщает об уменьшении уставного фонда с 3 440 000 000,00 сум до 2 140 000 000,00 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по телефону: (+99871) 253-37-41.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 25.11.2014 йилда № 009601-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Озодлик кўчаси, 38-уйда жойлашган "GRAND AGRO PACKING" (ИНН 303099562) МЧЖ тугатилади (жамиятнинг 26.06.2015 йилдаги 1-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Юнусобод тумани, Озодлик кўчаси, 38-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 02.07.2009 йилда № 004846-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AMETIST WINALITE" МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "DINOR-BIZNES" МЧЖнинг устав жамғармаси 33 237 992 сўмдан 32 737 992 сўмга камайишини маълум қилади.

ООО "INTAL GLOBAL SERVIS" (ИНН 205272800), зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайсого района г. Ташкента за реестр № 001300-11 от 15.11.2014 г., расплоложено по адресу: г. Ташкента, Яккасарайкий район, ул. Мирабадская, дом 9, ликвидируется (протокол собрания № 2 от 22.06.2015 г.). претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (+99890) 951-30-03.

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SIRDARYO PARRANDA BARAKA" МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 31.03.2011 йилда № 004365-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "QOPLON TEKS" (ИНН 301925381) хусусий корхонасига тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 30.05.2011 йилда № 004483-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "CORALL PAINTS" (ИНН 301977999) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 14 июль куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ва Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари нархи арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 16.02.2015 йилдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан: - бошланғич баҳоси 14 692 500 сўм бўлган 2006 йилда и/ч, ранги сариқ (желтый), д/р 10A030JA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; - бошланғич баҳоси 14 692 522 сўм бўлган 2006 йилда и/ч, ранги сариқ (желтый), д/р 10P301EA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; - бошланғич баҳоси 14 992 369 сўм бўлган 2008 йилда и/ч, ранги оқ (белый), д/р 10W213AA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; - бошланғич баҳоси 14 692 522 сўм бўлган 2008 йилда и/ч, ранги оқ (белый), д/р 10A202GA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132-414" р-ли микроавтобус; - бошланғич баҳоси 33 300 900 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 10J121JA, техник соз, "Дамас" р-ли ав-на; - бошланғич баҳоси 36 359 100 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, ранги оқ, д/р 10X470KA, техник соз, "Спарк" р-ли ав-на.

2. ЖИБ Паркент туман судининг 2014 йилдаги 14442, 14443, 14445, 14446, 15713-сонли ҳамда Олмалиқ шаҳар судининг 2014 йилдаги 11226-сонли ижро варақаларига асосан: - бошланғич баҳоси 2 900 560 сўм бўлган 1972 йилда и/ч, д/р 01S938KA, "ВАЗ-2102" р-ли ав-на; - бошланғич баҳоси 3 996 037 сўм бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 10M064BA, "ГАЗ-31029" р-ли ав-на; - бошланғич баҳоси 14 554 890 сўм бўлган 1995 йилда и/ч, д/р 10H470AA, "Форд-транзит" р-ли микроавтобус; - бошланғич баҳоси 5 616 126 сўм бўлган 1994 йилда и/ч, д/р 10T344AA, "Доган" р-ли ав-на; - бошланғич баҳоси 4 336 564 сўм бўлган 1982 йилда и/ч, д/р 10Z923EA, "ВАЗ-2105" р-ли ав-на; - бошланғич баҳоси 951 345 сўм бўлган 1971 йилда и/ч, д/р 10E529KA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин 2015 йил 13 июль куни соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" нинг АТБ "InfinBANK" даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эллик юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (95) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

**"Тошкент вилояти ногиронларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази Бошқаруви Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб танлов эълон килади. Танловда Тошкент вилоятида яшовчи имконияти чекланган 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирок этадилар. Танлов 2015 йил 1 августдан 2016 йил 1 сентябрга қадар давом этади. Шу вақт мобайнида танлов иштирокчилари қуйидаги шартларни бажаришлари керак:**

*1. Компьютер саводхонлиги ва интернетда ишлашни билиш; ( А. Навоий кутубхонасига аъзо бўлиш)*
*2. 3-4 хил чет тилларини ўрганиш; ( сўзлашувни билиш керак!)*
*3. Шахмат-шашка-домино , стол тенниси, камондан ўқ отиш, сувда сузиш каби енгил спорт турларига, расм тўгарагига қатнашиш;*
*4. Ўзбек ва чет эл адабиётларини ўқиш; ( кўпроқ китоб ўқиганларга алоҳида совғалар бор!)*
*5. Кексалар билан қандай алоқаларни ўрнатгансиз, Кексалар билан қанча вақт ўтказасиз, уларга қандай ёрдамларни амалга оширасиз? Шу ҳақда ёзиб боришингиз ва танлов охирида танлов Комиссиясига топширишингиз керак.*
*Юкоридаги шартларни бажарган болаларга қуйидаги совғалар тақдим этилади:*
*1. 1-ўрин ноутбук.*
*2. 2-ўрин планшет.*
*3. 3-ўрин мобиль телефон ( охирги нусхаси!)*
*Қўшимча мукофотлар:*
*1. Самарқанд – Хива – Бухоро шаҳарларига бепул саёҳат!*
*2. Чет элга бепул саёҳат!*

Кексаларни эъзозлаш йили хамда Ўзбекистон Республикаси МустаҚиллигининг 24 йиллигига бағишланган танловда иштирок этинг ва ютуқларни қўлга киритинг! Қуйида интернетдаги манзилга танловда иштирок этиш ҳақидаги билдирувни барча маълумотларингиз ва алоқа телефонингиз рақами билан 2015 йил 1 августга қадар ёзиб юборинг. Интернетдаги почта: 9648134@mail.ru"

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 18 ноябрдаги 4-мб-сон қарори (Адлия вазирлигида рўйхат рақами 2636-сон, 2014 йил 18 декабрь) билан тасдиқланган иловаларига мувофиқ фермер хўжаликлари томонидан тақдим этиладиган 1-ЎХ shakli (Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида) ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан 1-DX shakli (Деҳқон хўжаликлари фаолияти тўғрисида) давлат статистика ҳисоботини 2015 йилнинг 1 июль ҳолатига шу йилнинг 3 июль кунидан кечиктирмасдан электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали топширишингиз юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан олишингиз мумкин.

Ҳисоботларни электрон тақдим этилиши вақтингизни тежалишига катта ёрдам беради.

Бошқармада ташкил қилинган 0-371-230-86-57, 230-86-58 "Ишонч телефонлари" орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

***Тошкент вилояти статистика бошқармаси.***

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Истиқол давр зиёси" агрофирмаси ҳудудида жойлашган "XAKIMOV ABDUMAJID XOJI" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 3,6 гектар ер майдонида жойлашган "Мевали боғ" аукцион савдосига қўйилмоқда. Тўлиқ маълумотларни Қибрай туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан олишингиз мумкин. Мурожат учун телефон: 150-76-18

***Қибрай туман ҳокимлиги.***

Қадриятларимиз

# РАМАЗОН – САБР ОЙИ

**Сабр... Нуронийларимиз сабрни барча ахлоқий фазилатлар пойдевори деб биладилар. Масалан, камтарлик, босиқлик, мулоҳазалилик, собитлик, сиполик, ҳалоллик, ростгўйлик сабрли кишиларнинг сифатларидир. Яратган ўз бандаларини турли йўсинда имтиҳон қилади. Бойлик беради ёки йўқсилликка дучор этади. Икки ҳолатда ҳам инсоннинг сабри синалади. Қайғу беради ёхуд шодлантиради. Яна сабр керак. Қайғули ҳолатларда, муаммо қаршисида қолганда ўзини йўқотиш, арзу шикоят қилиш сабрсизлик бўлганидек, омади кулиб, бойлигу мартабага эришганда ҳаволаниб кетиш, босар-тусарини билмай қолиш ҳам сабрдан эмас.**

Сабр инсоннинг руҳий таянчларидан бири. Унга таянган одам руҳий ҳаловат, хотиржамликка эришади. Бошига тушган ҳар қандай мушкулотни Аллоҳдан деб билади, ҳеч қачон бировни бунда айбдор деб ўйламайди. "Аллоҳ мушкулот берибдими, Ўзи уни бартараф этади", дейди ва яна: "Мушкулот берган Худо мукофотини ҳам беради", дея ишонади. Шунинг ўзи ҳам Сабр барча ахлоқий фазилатлар пойдевори эканини тасдиқлайди.

Рамазон – Сабр ойи ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, Рамазон ойини йилнинг энг катта имтиҳонига ўхшатиш мумкин. Талаба-ёшлар йил давомида олган билимлари юзасидан ўқув йили охирида имтиҳон топширадилар. Худди шунга ўхшаб, биз ўн бир ой давомида қайси иллатлардан халос бўлдик, қайси фазилатларимизни яна ҳам камолга етказа олдик, ана шу саволларга Рамазон ойида жавоб беришимиз керак бўлади. Рамазон, бу шунчаки овқатдан тийилиш ойи эмас, аслида бу ҳам сабр талаб қилади, албатта. Бироқ, энг асосийси, бу ойда бизнинг ахлоқий жиҳатларимиз, маънавиятимиз синовдан ўтади. Одамларга бўлган меҳр-оқибатимиз, бағрикенглигимиз, хайр-саховатимиз бу ойда янада ойдинроқ намоён бўлади. Халқимизда сабрга оид кўп ҳикматли гаплар бор, айтайлик: "Сабр таги – олтин", "Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар" ёки "Тоқатлига тоғлар эгар бошини".

Азиз-авлиёларимиз ҳақидаги асарларни ўқисак, уларнинг асосий фазилатлари сабрда мужассам бўлганини кўрамиз. Улар сабрсизликни Аллоҳга исён қилишга тенглаштиришади. Агар кенгроқ маънода олиб қарасак, сабрсиз одамда ирода бўш бўлади. Сабрсиз одам илм эгаллай олмайди. Илмсизлик натижасида ҳар турли жаҳолат йўлларига кириб кетиши ва охир-оқибат оғир гуноҳларга қўл уриши мумкин бўлади. Бу эса Яратганнинг амрига қарши боришдан бошқа нарса эмас..

Сабрли инсон ҳар қандай вазиятда ҳам оқилона йўл тутади. Турли ширк, бидъат-хурофот ишларга берилмайди. Ҳар қандай ҳолат замирида илоҳий ҳикмат борлигига, қийинчилик, машаққатлар ўткинчи, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлишига ишонади. Бинобарин, Аллоҳ Таоло Ўзи истаган бандасинигина имтиҳон қилади. Сабр қилиб, Парвардигор синовидан ўтолган кишилар эса Унинг чексиз марҳаматларига муяссар бўлади. Шуни ёдда сақлаш керакки, агар синов Яратганнинг раҳматига ноил этадиган восита бўлмаганида эди, Аллоҳ Таоло суюкли пайғамбарларини турли ҳолатлар билан имтиҳон қилмаган, уларнинг даражаларини бу қадар юқори тутмаган бўлар эди.

Одамлар борки, дунё гўзаллигини, моҳиятини бойликда кўришади. Аслида дунё бойлиги ҳар бир кишининг ўз қалбида. Қадим файласуфлардан бири Диогендан: "Фалончи жуда бой, биласиз-а", деб сўрашганида, у: "Мен унинг пули кўплигини биламан", дебди. "Пули кўп бўлгандан кейин бой ҳисобланади-да", дейишса: "Йўқ, пули кўп бой эмас, сабри кўп одам бой ҳисобланади", деб жавоб қилган экан. Дарҳақиқат, дунё моли бир кун камаяди, йўқолади ёки бошқа бир ҳолат юз беради, лекин сабр тарбиясини мукаммал эгаллаган одам ҳеч қачон, ҳеч нарса йўқотмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам одамлигича қолади. Шайх Саъдий ҳазратлари: "Сабри йўқ одамда ҳикмат йўқ", дейдилар. Демак, сабрсиз одамда илм олишга ҳам рағбат бўлмайди-да. Илм олиш осон эмас, қанчадан қанча китобларни ўқиш, уқиш керак, бунинг учун эса сабр даркор. Сабрсиз одам қандай қилиб илм олишга интилади-ю, унда қандай ҳикмат бўлиши мумкин.

Ризқ Аллоҳдан, банда борига қаноат қилиб, саъй-ҳаракатда бўлса, ўз сабри, шукри, хайрли ишлари билан Яратганнинг розилигини топса, ризқига, мол-давлатига барака инади. Оиласида ҳаловат, ҳаётида фаровонлик бўлади. Озига сабр қилган, кўпига ҳам эришади. Сабрсизлик оқибати эса маҳрумиятдир. Бугун дунёнинг турли нуқталарида юз бераётган нохуш воқеаларни сабрсизлик, қаноатсизлик ва шуларнинг аччиқ меваси сифатида пайдо бўлган талваса оқибати, десак хато бўлмайди. Баъзилар топиб турган ризқига ношукрлик қилади. Ҳаракат қилиш ўрнига нолишдан нарига ўтмайди. Натижада ундай кишилардан файзу барака қочади.

Шукрки, биз сабрли халқмиз. Яратган бизга ато этган она-замин – Ўзбекистонни севамиз. Буюк Истиқлол натижасида қўлга киритган озодликни, тилимиз, динимизни қадрлаймиз. Шиоримиз – тинчлик, касб-коримиз – бунёдкорлик, эътиқодимиз, мақсад-маслагимиз – дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизга эга бўлиш, барча халқлар, давлатлар билан дўсту биродарликда, тинч-тотувликда яшашдир.

**Зайнулобиддин ҚУДРАТОВ,**
**Пискент тумани бош имом-хатиби.**

Табиат ва инсон

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Чимён садоси – 2015" экологик сайёҳлик фестивали бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.**

# ЧИМЁН ТОЗАЛИГИ БАРЧАГА КЕРАК



Тошкент вилоятида туризмнинг барча йўналишларини янада тараққий эттириш, соҳа инфратузилма ва сервис хизматини яхшилаш, янги сайёҳлик йўналишлари очиш, меҳмонларни тарихий обидалар, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари билан яқиндан таништириш учун ҳар томонлама қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётир.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ, Бўстонлиқ туманидаги Хўжакент ва Юсуфхона қишлоқларида замонавий меҳмонхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди.

"Оқтош" санаторийси, бир қатор тарихий обида ва қадамжолар таъмирланди. Чимён-Чорвоқ рекреацион зонасида янги лойиҳалар амалга оширилди. Бу ерга келувчи меҳмонларнинг мириқиб дам олиши, саёҳат қилиши учун қулай шароитлар яратилди. Хизмат кўрсатиш тури кўпайиб, сифати яхшиланди.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, табиий ресурсларни асраб-авайлашга ўргатиш, экологик туризмни ривожлантириш мақсадида анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль ҳам ички ва ташқи туризм ривожига хизмат қилаётир.

– Ўзбекистон Экологик ҳаракати, нодавлат нотижорат ташкилотлари экофоруми, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль доирасида "Биз – тоза Чимён учун", "Очиқ осмон остида экомактаб" экологик акция ва машғулотлари ўтказилди, – дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати координатори Ғуломжон Самадов. – Чимён ҳудудини турли маиший ва бошқа чиқиндилардан тозалашга бағишланган "Биз – тоза Чимён учун" экологик акциясида Чимёнда дам олаётган меҳмонлар орасида табиатни асраш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масалаларида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Маълумотларга кўра, табиатга антропаген омиллар жиддий таъсир этади ва бу йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мазкур жараёнда аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, уларни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига кенг жалб этиш ҳамда фаоллигини ошириш, экологик таълим ва тарбия тизимининг узлуксизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаракат томонидан фестиваль доирасида ўтказилган "Очиқ осмон остида экомактаб" машғулотлари ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

– Саёҳат қилиб турамиз, – дейди хоразмлик Тоҳир Матёқубов. – Бу йил шу ерда дам олишга қарор қилдик. Келганимизга уч кун бўлди. "Чимён садоси" фестивали ҳақида хабарим бор эди. Лекин иштирок этишнинг завқи, таассуроти бошқача бўлар экан. "Очиқ осмон остида экомактаб" машғулотларида қатнашиб, табиат қўйнида унга зарар етказмай дам олиш бўйича мутахассислардан аниқ ва муҳим маълумотларга эга бўлдик.

**Б. ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Болалар ёзи – 2015

**Бўстонлиқ туманидаги "Зангори олов" оромгоҳида болаларнинг ҳам ҳордиқ чиқариши, ҳам инглиз тилини чуқурроқ ўзлаштиришлари учун қулай шароитлар яратилган. Сўлим гўшада 341 ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда. Бу ердаги машғулотларга олий маълумотли ўқитувчилар жалб қилинган. Болалар қизиқарли савол-жавоб, ўйин тарзидаги машғулотларда инглиз тили оламига саёҳат қилмоқдалар.**



# ҲАМ ҲОРДИҚ, ҲАМ ТАЪЛИМ

– Оромгоҳга юртимизнинг турли ҳудудларидан келган тенгдошларим билан танишиб, ўқув йили давомида олган билимимизни мустаҳкамламоқдамиз, – дейди Одил Рихсибоев. – Энг қувонарлиси, оромгоҳда инглиз тили бўйича саводхонлигим ошди. Бу ўз устимда тинимсиз ишлаётганим, инглиз тилидаги "Мутолаа", "Тақдимот" каби тўгаракларда мунтазам иштирок этаётганим туфайлидир.



Ушбу масканда "Расм чизиш", "Моҳир қўллар" тўгаракларида ўқувчилар интеллектуал салоҳиятини оширса, сузиш, футбол, волейбол, теннис каби тўгараклар болаларнинг жисмонан чиниқишига хизмат қилаётир.

– Оромгоҳимизнинг мусаффо ҳавоси, соя-салқин гўшалари болаларга бир олам завқ бағишламоқда, – дейди хўжалик иш юритувчиси Ҳикматилла Юсуфалиев. – 15 дан ортиқ тўгаракларда ўқувчилар иштиёқ билан шуғулланишмоқда.

**Матлуба ҒУЛОМОВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**





## ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ – ЖОСУСЛИК ОБЪЕКТЛАРИ

**Wikileaks сайти АҚШ миллий хавфсизлик агентлигининг Франциядаги юқори мансабли амалдорларининг ёзиб олинган сўзлашувларига оид ўта махфий ҳужжатларни эълон қила бошлади.**

Сайт ошкор этаётган ҳужжатлар кейинги 10 йиллик муддатга тегишли. Уларга кўра, Франция президентлари Жак Ширак (1995-2007), Николя Саркози (2007-2012), шунингдек, давлатнинг ҳозирги раҳбари Франсуа Олланд (2012 йилда лавозимга ўтирган) америкаликларнинг жосуслик объектларига айланганлар. Бундан ташқари, мамлакатдаги Елисей саройи, мамлакат вазирлари ва Франциянинг АҚШдаги элчисининг гаплари ҳам яширинча тинглаб борилган.

Махфий ҳужжатларга қараганда, Франция раҳбарларини кўпроқ жаҳон молиявий таназзули, Европа Иттифоқининг келажаги, Олланд маъмурияти билан Ангела Меркел бошлиқ ГФР ҳукумати ўртасидаги ўзаро муносабатлар, Парижнинг Фаластин жанжали ва Франция ҳамда Америка ҳукумати ўртасидаги Францияга қарши жосусликка оид баҳс-мунозаралар масалалари қизиқтирган. Wikileaks сайтининг асосчиси Жулиан Ассанжнинг айтишича: "Ўқувчиларни яқин келажакда янада долзарб ва муҳим янгиликлар кутмоқда".

## ЖАЗИРАМА ҚУРБОНЛАРИ САККИЗ ЮЗДАН ОШДИ

**Покистонда ҳукм сураётган аномал жазирама қурбонлари 800 кишидан ошгани, улар асосан камбағал оилалар вакили бўлган кексалар экани ҳақида хабар тарқатди BBC News.**

Биргина Карачи шаҳрида 780 киши ҳаддан зиёд иссиқдан вафот этди. Шунингдек, Синд вилоятининг бошқа қисмларида 30 дан зиёд қурбонлар рўйхатга олинди. Агентликнинг маълум қилишича, мамлакатнинг ўликхоналари жасадларга тўлиб, тошган. Ҳафтанинг сешанба куни жазирама цельси бўйича 45 даражага чиқди. Шу боис мамлакат ҳукумати чоршанбани дам олиш куни деб эълон қилиб, одамларнинг уйда ўтиришларига имкон яратди.

Карачи шаҳрида рекорд даражадаги жазирама 1979 йилда қайд этилган бўлиб, иссиқни ўлчовчи мосламалар 47 рақамини кўрсатган эди.

## ЮЗ ТОННА ЯРИМ АСРЛИК ГЎШТ

**Хитой омборхоналарида 100 минг тоннадан зиёд контрабанда маҳсулоти, яъни 3 миллион юанли (483 минг доллар) музлатилган парранда, чўчқа ва мол гўшти топилди.**

Маълум бўлишича, бу маҳсулотларнинг аксарияти 40 йилдан бери сақланаётган экан. Маҳаллий нашрлардан бирининг таъкидлашича, мамлакатнинг 14 вилоятидаги омборлар текширувдан ўтказилди. Музлаган гўштларнинг асосий қисми Хитойга яширин йўллар билан келтирилгани аниқланди. Одатда контрабандачилар ўзга мамлакатлардан маҳсулот сотиб олиб, уни Гонконг ёки Вьетнам орқали Хитойга келтиришади. Бунда улар рефрижератордан деярли фойдаланишмайди, оддий машиналарни ишга солишади. Шунда контрабанда мол эътиборни тортмайди.

Шу иш юзасидан ўтказилган текширувлар давомида контрабанда маҳсулотларига алоқадор бўлган 14 та жиноий гуруҳ аъзолари ҳибсга олинди.

## АЖАЛ ҚИРҚ ЙИЛДА ҚУВИБ ЕТДИ

**Австралияда 40 йилдан буён ўзини қонунга бўйсунувчи ҳалол фуқаро сифатида кўрсатиб келган 78 ёшли америкалик Рэймонд Грэйди Стэнсел йўл-транспорт ҳодисаси туфайли ҳаётдан кўз юмди.**

Tampa Bay Times нашрининг аниқлик киритишича, Стэнсел Яшил қитъага кўчиб келгунга қадар гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шуғулланган ва ўзини ўлган деб эълон қилиб, АҚШ судидан қутулиб қолган. 1974 йилда Америка полицияси ўша пайтда 37 ёшда бўлган Стэнселни гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғуллангани, жумладан Марказий Америкадан Флоридага 12 тонна гиёҳванд моддани контрабанда қилганликда айблаб, қамоққа олганди. Сўнг 500 минг доллар товон эвазига қамоқдан чиқарганди. У кейинги йилнинг 5 январида бўладиган суд мажлисига келиши лозим эди. Аммо адвокати унинг ўлганлигини маълум қилди. Адвокатнинг гапларига қараганда, Стэнсел Гондурасда аквалангда сузиш билан шуғулланиб юрганда чўкиб кетган. Шундай қилиб, 40 йил давомида янги Дэннис Ли Лафферти исм-шарифи ортида яшириниб юрган контрабандачи шу йил май ойида ўзи бошқараётган машинада автоҳалокатга учраб, фожиали ҳалок бўлди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Ҳаёт сабоқлари

# ЯХШИЛАР ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ...

Ишга келишим биланоқ ҳамкасбим: "Сизга ташлаб кетишди", деб таклифнома тутди. Келин-куёвнинг исмига кўзим тушди-ю, кўнглим ёришди.

Негадир ўзимдан ўзим хурсанд эдим. Бундан бир йил олдин у: "Ҳаётимни қайтадан бошлашни, яхши одамга айланишни, ўз оилам, мени кутиб оладиган яқиним бўлишини истайман", деган эди. Демак, энди унинг ўз оиласи бўлади.

– Тўйи бўлаётган одам шунчалик яқинингизми, таклифномани қўлингиздан қўйгингиз келмаяпти? – деди ҳамкасбим.

– Бу йигит ёқимсиз ўтмишию ёшликдаги хатоларига қора чизиқ тортиб, янги ҳаётга қадам қўйди. Энди буёғига адашмасин.

– Шунақаси ҳам бўладими? – елка қисди шеригим.

– Буни ҳаёт дейдилар, ҳамма нарса бўлиши мумкин.

– Ўзи нима бўлганди?

Ҳамкасбимнинг саволи йигитга тааллуқли воқеаларни яна бир бор хаёлимда жонлантирди. Ўшанда хонада ишлаб ўтиргандим. Бир пайт эшик шаҳд билан очилиб, остонада шу йигит кўринди. Қўполлигидан жаҳлим чиққан бўлса-да, "хизмат" дедим сир бой бермай.

– Қаршингиздаги хонага иш билан келгандим. Ариза ёзиш учун қоғоз йўқ экан. Бир варақ қоғоз бериб туролмайсизми?

Уч-тўрт дона қоғоз ва ручка бердим. Йигит қандай шошиб кирган бўлса, шундай тез чиқиб кетди-ю, бир сония ўтмай яна кирди:

– Шу... – дудуқланди у, – аризани ўзинг ёз дейишди. Тўғриси, ариза ёзишни билмайман.

Аризани ёзиб, қўлига тутдим. Ярим соатлардан кейин эшик оҳиста тақиллаб, ҳалиги йигит кирди:

– Бояги қўполлигим учун мени кечиринг.

Шу пайт хонага кирган бўлим бошлиғимизнинг қаршимда турган йигитни кўриб, қовоғи уюлди. Менга: "Хонамга киринг, гапим бор", деганча ортига қайтди.

– Сиз ўтира туринг, мен ҳозир қайтаман, – дедим йигитга.

Бўлим бошлиғининг олдидан қайтганимда, йигит эшик олдида турарди. У: "Ҳамкасбингиз мени ўғри эканимни айтдими?" деди. "Ҳа" дедим. Йигит бир зум карахт бўлиб туриб:

– Ручка учун раҳмат, – деди ва эшик томон юрди. Сўнг нималарнидир ўйлади чоғи қаршимга келиб ўтирди:

– Биласизми, мен ростдан ҳам ўғриман. Икки марта қамалиб чиққанман. Одамлар мендан ўзларини олиб қочишади. Бу мен учун қандай азоблигини билсангиз эди. Сиз ўғрилигимни билмай туриб, менга ёрдам бердингиз. Агар билганингизда...

– Яхши одам бўлиш ўз қўлингизда, ахир биров сизни ўғри бўлишга мажбур қилмагандир?

Йигитнинг боши эгилди:

– Қўшнимизнинг товуғини ўғирлаб кирганимда, беш ёшда эдим. Ўшанда ота-онам ўғриликнинг оқибати ёмон бўлишини айтиб, тергашганида, шу аҳволга тушмасдим. Қайтага: "Ўғирласанг каттароғини кўзла, товуқ арзимас нарса", деб дашном беришди. Шундан кейин уларга нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйгим келди. Ўғирлаб келганларимга отам шерик бўлар, қўлга илинадиганларини сотиб ичарди. Хуллас, қўли эгридан ўғрига айландим. Бир марта қамалиб қайтганимда, отам қазо қилибди. Онам билан синглим тўйларда идиш-товоқ ювиб, кун кечиришаётган экан.

– Одамлар ишончини оқлаш жуда қийин. Агар хатоларга тўлиб кетган ўтмишингиздан воз кечишни астойдил истасангиз, Яратганнинг ўзи тўғри йўлни кўрсатади.

– Сизнинг далдаларингиз яхши инсон бўлишимга туртки бўлса ажабмас. Йўқ демасангиз, кўришиб турсак, – йигит жавобимни кутмай, хонани тарк этди.

Орадан чамаси икки-уч ойлар ўтиб, Шавкат яна келди. Кўриниши бинойидек.

– Ўғриликни ташлаб, ишлаб, ҳалол пул топаяпман, – деди. – Сизга ваъда берганимдек, ҳаётимни яхши томонга ўзгартираяпман.

Йигитнинг сўзларидан кўнглим ёришди. Етти ёт бегона йигитга астойдил ёрдам қўлини чўздим. Қоқилганда оёғи тагидаги тўсиқни бир четга суришни, ўтмишда ёмонликдан ёпилган эшиклар келажакка ишонч туйғуси билан очилишини ҳар гал йўқлаб келганида уқтиравердим. У ҳам ҳаётини тубдан ўзгартиришга интилишдан чарчамади...

– Ростдан ҳам йигитнинг ҳаёти ўзгардими? – ишонқирамай сўради ҳамкасбим.

– Мана бундан ҳам унинг ўзгарганини билиш мумкин, – дедим таклифномага ишора қилиб.

– Тўйига борасизми?

– Агар йўқ демасангиз, мен билан бирга боринг, – илтимос қилдим ҳамкасбимдан...

Шеригим билан тўйхонага кириб борганимизда қўш кабутардек ўтирган келин-куёвга кўзимиз тушди. Шавкатнинг чеҳрасида бахтиёрлиқ балқиб турарди. Мени кўриши билан кўзлари чақнаб кетди. Гўё: "Опа, сиздан миннатдорман. Яна адашиб кетмаслигим учун йўлимни йўлчи юлдуздек ёритиб турдингиз. Ҳаммаси учун, мени тушунганингиз учун раҳмат", деяётгандек эди. Ўпкам тўлиб, кўзларимга ёш инди. Яхшилар яна биттага кўпайганидан қувончим ичимга сиғмасди...

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-56-03, 233-65-59. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3238. Адади 13728. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.50.